

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1986 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-
саноатий газетаси

№ 107 (9.145) * 1986 йил 11 сентябрь, жума * Сотувда эркин нархда

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БОКСЛАР ЖАҲОНДА

БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман ва Бош вазир Бенямин Нетаньяху тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Исроилда бўлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Исроилга давлат ташрифи олдидан Исроил халқаро ахборот маркази директори Олег Екубовни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Франциянинг «Суаз Лионез дез О» компанияси гуруҳлари назорат кенгашининг раиси Жером Моно бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ташкилот ва корхоналарининг алоҳида ўрнатилган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида маъмурий-бошқарув аппарати тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ходимлар сонини қисқартириш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

● Қашқадарё вилоятида бунёд этилаётган Шўртан газ-кимё мажмуида мазкур ишроот қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

● Хунусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўркорги Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис ўн иккинчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофизат этилди.

● Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларидан Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарларини сотишлигини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойларда бажарилишини таъминлашга бағишланган мажлислар ўтказилди.

● Юкори Чирчик туманидаги «Санлайт» ўзбек-хитой қўшма корхонасида велосипедлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан кейин корхона мутахассислари ногиронлар аравачаларини тайёрлашга ҳам киришдилар. Бундай аравачаларнинг таъмир ва унинг йилгилан дастлабки намуналари ногиронларга манзур бўлди.

● Наманган қурилиш материаллари корхонаси пластмассадан қопламалар тайёрлашга киришди. Бундай махсулотларга харидорларнинг эътиҳи катта.

● Тошкент ирригация ва кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида «Ўзкейсервис» маркази очилди.

● Фарғона вилоятида «Алпомиш» дostonининг тўйига бағишланган «Алпомиш ўйинлари» вилоят фестивали ўтказилди.

● Самарқанд «Шодлик» ишлаб чиқариш-савдо бирлашмаси экологик жиҳатдан мусафо бўлган сувлар ишлаб чиқара бошлади. Ана шу мақсадда Американинг «Престижин юнайд» корпорацияси билан шартнома имзоланди ва қўшма корхона ташкил этилди.

● Гулистон шаҳар истироҳат боғида қовунлар байрами ўтказилди. Вилотнинг тўққизта туманида етиштирилган тилими тилни ёрайдиган қовунлар байрами ўзига хос танловга айланган кетди.

● Шохимордон ва Ердон қишлоғининг 25 нафар ўқувчиси Қора денгиз соҳилларида ажойиб хордиқ чиқариб, ўз уйларига қайтиб келишди. Ўзига хос бағишлар қўшма «Экосан» жамғармаси ташаббуси, Молдова Республикаси қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилди.

БҲЮК ИПАК ЙЎЛИ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 8 сентябрь кун Озарбойжон пойтахтида бўлиб ўтган Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этиб қайтди



Кўхна Буюк Ипак йўли неча-неча асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаб турган. Фанга «Буюк Ипак йўли» номи билан немис олими Фердинанд фон Рихтгофен томонидан XIX асрда киритилган бу йўлнинг тарихи минг йиллик ўтмишга бориб тақалади. Осиё ва Европа халқлари ҳаётида бу йўлнинг қандай иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий аҳамият касб этганини тасвиқлашга зарурат йўқ. Лекин бошқа бир жиҳати эътиборга молик: Буюк Ипак йўли бугун яна ўша тарихий аҳамиятини топаётир. Тарих дегани аслида улуг муаллим. Йигирма аср илгариги тажрибалар бугун, XXI аср арафасида энг қулай ва замонавий омили сифатида баҳоланишини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган.

1993 йил май ойида Брюсселда Европа Комиссияси, Марказий



СУРАТДА: конференция иштирокчилари. Фарҳод Қурбонбоев (ЎЗА) олган сурат.

Осиё ҳамда Кавказ мамлакатлари, бўлиб ўтди. Учрашувдан кўзда тутилган мақсад янги мустақил давлатлар — Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви имкониятларини кўриб чиқиш эди.

Бу масала, аввало, транспорт ва коммуникация тизимини ривожлантириш билан боғлиқ эди. Хусусан, биргина Ўзбекистон мисолида айтиладиган бўлса, Европага чиқиш учун фақат Россия орқали ўтишга тўғри келар, бу эса бизга жуда қimmat тушади. Қолаверса, қимнингир кош-қовоғига қараб, бўлар-бўлмас замнамаларини тинглаш қимми ҳам хуш келарди. Шу боисдан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонни жаҳон бозорига олиб чиқадиган қулай ва қисқа йўлар ҳақида қайғурди. Дунёнинг тўрт бурчига элтувчи йўларга эга бўлиш нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиё ҳамда Кавказдаги бошқа мамлакатларнинг ҳам чанқок истагидир. Бунинг учун ота-боблардан мерос қолган қадимий йўлларни тиклаш зарур.

(Давоми 2-бетда).

Президент Ислам Каримовнинг Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган Халқаро анжуманда сўзлаган нутқи

Хонимлар ва жаноблар!

Ғал Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳақида борар экан, ТРАСЕКА дастури амалга ошириш биз учун ҳаётий эҳтиёж эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу йўл 2000 йилдан ортироқ вақт мобайнида Шарқ билан Ғарбни савдо-иқтисодий ришталари билан боғлади. Мазкур минтақада яшовчи халқларнинг маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлади.

Ипак йўлини тиклаш госяи айрим шахслар фаолиятининг махсули эмас, балки, бу — ҳаётий заруратдир. Дунё тарқиҳети талаблари шунчун тақозо этмоқда. Қадим-қадим замонлардаёқ ҳаёт кишиларни факатгина савдо-сотиқ учун эмас, иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш учун ҳам энг яқин йўлларни излашга мажбур этган.

Бугун дунёвий жараёнлар глобализацияланган, турли давлатлар ва бутун-бўтун минтақаларини ўзаро интеграциялаш жараёнини тезлаштираётган бир даврда Европа ва Осиёни боғловчи кўприкни тиклаш ташаббуси табиий ҳолдир.

1996 йили Озарбойжон Республикаси, Грузия, Туркменистон ва Ўзбекистон республикалари ўртасида Транскавказ коммуникация йўлининг барпо қилиш ҳақида имзоланган Сараҳс Шартамаси ва Битими мазкур йўналишни тиклашда асосий босқичлардан бири бўлди.

Орадан ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Мазкур лойиҳанинг асосий шартлари ва талаблари эса бугун кунда Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар шафоглиги остида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Агар Ўзбекистоннинг Транскавказ йўлига олиб ўтилган экспорт-импорт юклари ҳажми 1996 йилда 140 минг, 1997 йилда 285 минг тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг саккизи ойи мобайнида бу кўрсаткич 240 минг тоннадан ошиб кетди. Ушбу йўл соғилгандан буюн биргина Ўзбекистон билан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида 470 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 660 минг тонна ҳаётий муҳим юклар ташилди.

Бугун ушбу лойиҳанинг амалга оширилишини асосий манфаатдорлиғимиз нималарда қурайди?

Биринчи, Ўзбекистон ва бошқа қатор Марказий Осиё давлатлари бевосита денгиз коммуникацияларига олиб чиқадиган йўллар йўқ бўлган шароитнинг нақадар мураккаб эканини чуқур ҳис қилади. Кўпгина экспорт ва импорт қилинадиган махсулотларнинг йўл ҳаражатлари махсулотларнинг ўзидан ҳам қimmat тушиб кетади. Бу экспортни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, ҳаётий муҳим махсулотлар импортини эса қimmatлаштириб қўймоқда.

Шу сабабли ҳам мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши денгиз йўлига эга бўлмаган мамлакатлар қилинганда Транскавказ ва Транскавказ транспорт тармоқлари билан боғлиқлик учун муқобил ва барқарор имконият очади. Айни вақтда у айланма йўлларни қисқартириш ҳисобига лойиҳа иштирокчилари бўлган мамлакатлар ўртасидаги экспорт алоқаларини ва ташиқ иқтисодий фаолиятини кенгайтириш юзасидан ҳам янги истиқболлар очади.

Иккинчи, Лойиҳанинг амалга оширилиши ўз махсулотларининг Кавказнинг ва Марказий Осиёнинг улкан бозорларига кириб келишини, мазкур минтақаларда ўз таъсирининг қучайлигини истайдиган Европа мамлакатлари учун ҳам бирдек манфаатлидир. Лойиҳанинг асосий ютуғи ва жозибали жиҳати ҳам ана шундандир.

Шу боис ҳам биз айрим сиёсий қучларнинг ўз геополитик ва стратегик манфаатларидан, боздан эса майдан манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, дунёнинг сиёсий ҳаритасини қайтадан тақсимилаш, Евроосиё маконидан, Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларида қучларнинг янги тартибини ўрнатиб лозимий ҳақиқатди турли хил даъволарни мултоқо номақбул, деб ҳисоблаймиз.

Мен яна бир бор таъкидлашни истардим, Ўзбекистон синга-қатор мамлакатлар учун улкан Марказий Осиё худудини аниқлаш, яъни аниқ ҳолатдан чиқариш, унинг Европа ва жаҳон бозорлари билан алоқаларини ўрнатиб масаласини ҳал этишга бу энг мақбул ва мақсадга мувофиқ йўлдир.

Учинчи, Биз ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаракатга келтириш орқали ҳамкорларимиз, энг аввало, Қирғизистон ва Хитой билан фаол иш олиб борилаётган бошқа бир қатор лойиҳаларни ҳам амалга оширишни кўзда тутишимиз. Мен Фарғона vodiysини Хитойнинг шарқий вилоятлари билан боғлайдиган йўлни қуриш ва унинг мажбул қисмларини таъмирлашни назарда тутяман. Бу ҳақда Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ҳам гапириб ўтди. Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар шаҳарларидан ўтайдиган бу транспорт йўналишини Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитойни транспорт коммуникациялари билан боғлабгина қолмай, тарихан шаклланган Буюк Ипак йўлининг ҳам узвий бир қисми ҳисобланади. У Европадан улкан Тинч океани ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаларини билан боғлайдиган энг яқин йўлдир.

Тўртинчи, Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлининг барпо этилиши минтақалараро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, шу йўналишдаги мамлакатлар иқтисодиётининг жонлантирилиши билан боғлиқ эди. Хусусан, биргина Ўзбекистон мисолида айтиладиган бўлса, Европага чиқиш учун фақат Россия орқали ўтишга тўғри келар, бу эса бизга жуда қimmat тушади. Қолаверса, қимнингир кош-қовоғига қараб, бўлар-бўлмас замнамаларини тинглаш қимми ҳам хуш келарди. Шу боисдан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонни жаҳон бозорига олиб чиқадиган қулай ва қисқа йўлар ҳақида қайғурди. Дунёнинг тўрт бурчига элтувчи йўларга эга бўлиш нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиё ҳамда Кавказдаги бошқа мамлакатларнинг ҳам чанқок истагидир. Бунинг учун ота-боблардан мерос қолган қадимий йўлларни тиклаш зарур.

(Давоми 2-бетда).

фратузилмаларни барпо этиш зарур. Яна шуниси муҳимки, лойиҳанинг технология қисми деб аталган ишларни бажариш учун молиявий имкониятларни кидириб топиш ва уларни бош мақсад сари йўналтириш даркор.

Бундан ташқари, мутафаккиратнинг сиёсий шартлари ҳам бор. Мазкур йўл ўтайдиган мамлакатлар раҳбарлари ўз сиёсий иродаларини, айрим масалалар бўйича бир-бирига мос келмайдиган манфаатларини ағона стратегик мақсадга бўйсундирган олиш қобилиятларини намойиш этишлари керак.

Мана шу вазифа бугунги кунда яқини мақсадга эришишни марказий, энг принципал шартли бўлиб турибди, десам, асло хато қилмайдман.

Уйлашганим, мазкур конференция катнашчилари бўлган барча мамлакатларнинг раҳбарлари ва вакиллари ҳам муҳокама этилаётган лойиҳаларнинг муҳим ҳаётий аҳамиятини чуқур тушунадилар ва уларни тезда рўйга чиқариш борасида ўзарига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиладилар.

Раис жаноблари! Менимча, принципал аҳамиятга эга бўлган яна бир муаммони эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Кавказ минтақаси, айтаган бўлардимки, Европа-Кавказ-Осиёни бирлаштирадиган ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда ўз муҳим ўрни тутди.

Кавказ минтақаси Европадаги ривожланган мамлакатлар билан боғлиқлик, яъни энг аввало ўзининг тежамкорлиги билан эътиборни тортиши лозим бўлган муқобил транспорт коммуникацияларидан бирига айланган кўприк эканини унутмаслигимиз керак.

Биз бу мақсадга эришиш йўлида барча ишни қилишимиз зарур.

Сўзининг ниҳосида конференция ташкилотчиларига, Озарбойжон халқига самимий меҳмондўстлик учун яна бир қарра чин қалбидан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Эътиборингиз учун ташаккур.

БИЗ ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ИШОНАМИЗ

Республика Президенти Ислам Каримов кун қеча Озарбойжон Республикаси пойтахти — Бокуга жўнаб кетди олдиндан журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик фаровон ҳаётимизнинг асоси эканлигини фахр билан таъкидлаб ўтди. Ана шу муносабат билан газетамиз тахририятида ана сўзлари изҳор этилган мактублар келмоқда. Қўнироқлар бўлмоқда. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

● Саидязам САИДАХМЕДОВ, Тошкент шаҳар ҳокимилик Саидо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти раисининг биринчи ўринбосари:

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Озарбойжон Республикасига жўнаб кетиш олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда айтган ҳаққоний гаплари мамлакатимиз ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг нақадар тўғриғилиги, буюк давлат қуриш йўлидаги савий-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганига халқимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳукуматимиз иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун барча чораларни кўрмоқдаки, бу эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлидаги катта ғам-қўриқдан далоятдир.

Департаментимиз жамоаси ҳам ўз вазифасини сидқидилдан адо этиб, фаолиятлари давомида шахримиз аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан узлуқсиз таъминлаш борасида тинмай меҳнат қилиб келмоқда. Бу бизнинг асосий вазифамиздир сирасига кирди. Чунки давлат Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, бизда асло ҳавотирланишга ўрин йўқ. Хозирги кунда Россияда ке-

челликка эришганлигининг 7 йиллигини нишонладик. Утган қисқа давр мобайнида эртанги фаровон ҳаётимиз учун мустаҳкам пойдевор қуниб, кўзимиз билан ҳар қандайдир учратиб туришимиз. Мамлакатимиз тўғри йўлдан бораётганлигини барча савий-ҳаракатлар Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганидан ҳам билиб олаёламиз.

Мен ҳам йўлбошимиз Ислам Каримовнинг журналистлар билан учрашувини «ойнаи жаҳон» орқали кўриб, матбуотда ўқиб, тинч ва осойишта юрда яшаб, барақат меҳнат қилаётганимиздан гурурланиб кетдим. Президентимиз Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сибосини аниқ мисоллар асосида асослаб бериб, жаҳон бозорига чиқиш биз учун муҳим масалалардан бири эканлигини қўрсатиб бердилар.


Бизнинг комбинатимизда яратилган махсулотлар ҳам жаҳон бозорига ўз харидорига эга бўлиб бормоқда. Бунда меннинг ҳам улушим

Акс савдо

ДИҚҚАТ!
1999 ЙИЛГА
ОБУНА!
ФУҚАРО,
ТАШКИЛОТ,
ИДОРА ВА
МУАССАСАЛАР
ЭЪТИБОРИГА!
«Тошкент
почтамти»
акционерлик
жамияти 1998 йил
10 сентябрдан
бошлаб 1999 йил
матбуот
нашрларига 160 та
алоқа бўлими ва
максус обуна
максаларида
обуна қабулини
бошлади.
Тўлиқ маълумотлар
133-43-67,
133-73-56
телефонларида
берилади.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
64-АТС иши аввалги ҳолатда тўплагичча тикланди. Телефон рақамлари олтига белгили бўлиб қолди.
61-АТСга янги рақамли дистанцион ҳиҳозлар ўрнатилганига муносабатан билан абонентларнинг телефон рақамлари мавжуд бўлган рақамга «1» рақамини қўшиб йўли билан еттига белгили бўлди. Масалан аввалги рақам 61-04-25 бўлса энди у 161-04-25 бўлди. Телефон алоқаси бўлмаганлиги учун уэр сўраймиз.
Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmogi» акциядорлик жамияти.

Шарифа ИЛЁСОВА
тайёрлади.



БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундай қилиб, Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган "Европа-Кавказ-Осиё" транспорт йўлига -- ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи кўриб чиқилди ва шу бўйича Декларация қабул қилинди. Айтиш мумкинки, айна шу учрашув Буюк Ипак йўлини тиклаш борасидаги дастлабки амалий қадам бўлди. Дарвоқе, тарихда Машириқдан Магрибга, Магрибдан Машириққа ўтган йўллар кўп бўлган. Улар муайян сабабларга кўра турлича номланган. Бронза даврини-ку кўя турайлик, ундан кейинги замонлардаги "Лазурит йўли", кейинроқ "Шоҳ йўли" ва биз айтган "Буюк Ипак йўли"... Бугун эса -- ТРАСЕКА.

Асосий мавзу -- Боку конференцияси ҳақида гапирганда, аввало, унинг бир жиҳатини алоҳида таъкидлаш керак: ТРАСЕКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишларга нафақат унга иштирокчи мамлакатлар, балки жаҳондаги бошқа давлатлар ҳам катта қизиқиш билан қараётди. Бу ҳолни мазкур анжуманда жаҳоннинг 32 мамлакатидан ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки каби ундан ошқ нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этганидан ҳам билса бўлади.

1996 йил Сараҳсада Марказий Осиё билан Эрон темир йўл тarmoқларининг туташтирилгани ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда дастлабки катта ишлардан бири бўлган эди. Худди ўша, 1996 йил 13 май кўни Ўзбекистон, Озарбойжон, Грузия, Туркменистон ўртасида ўзаро эркин транзит тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бўёғи Япониядан то Адриатика денгизига қадар қўзилган ушбу қадим карвон йўлининг мўҳим бўлагидан фойдаланишни бошлаган республикаларнинг сарф-харажати камайиб, бинойидай даромад ҳам ола бошлади.

Хўш, биргина Ўзбекистон учун бу қандай наф келтирди, деган савол туғилиши табиий. Мазкур шартнома кучга кирганидан сўнг пахта ташинишга кетадиган харажатнинг 12 миллион доллар ёнимизда қоладиган бўлди. Ахир ТРАСЕКА шимол-ий йўналишга нисбатан нақд 2 минг километр қисқадир. Қолаверса, минтақа иклими ундан йил-йиликка ой тўхтовсиз фойдаланиш имконини беради. Гап фойда ва зарар ҳақида кетганда, яна бир ўринли муқоясани айтишга тўғри келади: биз пахтамызни Қозғистон ва Россия орқали Украина портларига етказиш учун тоннасига 100 доллардан зиёд маблағ сарфласак, шу юк ТРАСЕКА орқали ташилганда эса ушбу кўрсаткич 55 долларни

ташкил этади. ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга ошиши Ўзбекистонни Европа ва Осиё транспорт тармоқларига туташтирибгина қолмасдан, унинг экспорт имкониятларини оширади, лойиҳада иштирок этувчи мамлакатлар билан савдо алоқаларини янада кенгайтиради. 1996 йил Транскавказ йўлига бўйича Ўзбекистонга келтирилган ва олиб чиқиб кетилган маҳсулот ҳажми салкам 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич 285 минг тоннага етди. Жорий йилнинг саккизи ойи ичида эса ташилган юк ҳажми 240 минг тоннадан зиёд бўлди.

Ўзбекистон бугун ТРАСЕКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиш билан кечликни қолмай, транспорт коммуникацияси имкониятларини кенгайтириш борасида бошқа лойиҳаларни ҳам амалга ошираётди. Ўзбекистон қўшни Қирғизистон ҳамда Хитой билан Тошкент-Андижон-Уш-Ирқештом йўлини қуриш ва таъмирлаш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилаётди. Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланган бу йўналиш Европа мамлакатларини Тинч океани ҳамда жануби-шарқий Осиё давлатлари билан боғлайди.

ТРАСЕКА вақт синовидан муваффақиятли ўтаётти. Унинг XXI асрдаги мўҳим савдо йўли бўлажиги тўғрисидаги башоратлар ҳақиқатга жуда яқиндир. Энди уни янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал этиш, божхона тарифларини янада соддалаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштириш, дастурни тўла амалга ошириш учун молиявий манбаларни қидириб топиш зарур. Боку конференциясида айна шу масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Конференцияда иштирок этган давлатлар раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ТРАСЕКА йўлини ривожлантириш, транспорт инфратузилмаларини янада тақомиллаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ТРАСЕКА доирасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида ўз нуктаи назарларини баён қилдилар. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовнинг тақдирлари конференция иштирокчилари томонидан қизгин кутуб олинди.

Ислоом Каримов ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш, умуман, қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш зарурати айрим кишиларнинг хоҳишидан эмас, балки вақт, шароит, дунёвий тараққиёт талаблари натижасида пайдо бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Қадим замонлардаёқ ҳаётнинг ўзи одамларни ўзаро ҳамкорлик учун қисқа ва кулай йўللари қидиришга мажбур қилган, деди жумладан Ислоом Каримов. Бунга фақатгина савдо-сотик эҳтиёжи эмас, балки мустаҳкам иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни ўрнатиш зарурияти ҳам сабаб бўлган.

Бугунги замон урфига "содиқ" айрим кучлар ТРАСЕКА доирасидаги ҳамкорликка сиёсий тус беришга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Уларнинг мақсадлари аниқ: ўзларича гўёки дунёнинг янгидан булиниши ва ҳоказо шунга ўхшаш "Йўли"ларни йўлаб топиб, мамлакатлар, халқлар ўртасига нифок солиш, тараққиётга тўсиқ бўлиш. Мамлакатларнинг раҳбари масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратиб, бундай ҳаракатларга мутлақо барҳам бериш кераклигини айтиди. Шунингдек, Ислоом Каримов Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлига минтақавий иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, мазкур йўналишда жойлашган мамлакатлар иқтисодийтини ривожлантириш, қолаверса, миллатлараро ҳамда давлатлараро муаммоларни ечишда катта самара беражигини таъкидлади.

Хозирга қадар жаҳоннинг 50 та мамлакатидан ТРАСЕКА йўлига орқали ўз юкларини манзилларига етказаяпти. Мазкур лойиҳага қўшилишни истовчи мамлакатлар сони ҳам тобора ошиб борапти. ТРАСЕКА дастурига амалга оширишда Европадаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатапти. Хўш, буларнинг ҳаммаси нимадан далолат беради? Мазкур йўлдан Шарқ ҳам, Фарб ҳам бирдай манфаат топади. Марказий Осиё ва Кавказ учун жаҳон бозорига кенг йўл очилди. Европа мамлакатлари учун эса ўз маҳсулотларини Кавказ ва Марказий Осиё бозорларига киритиш, мазкур минтақада ўзларининг молиявий иштирокчини кучайтириш имконияти туғилди. Мамлакатларнинг экспорт-импорт имкониятлари кенгайтирилади, маҳсулот кўпайди, бозорларда рақобат кучаяпти, маҳсулот сифати яхшиланади, ишсизлик камаяди. Иқтисодий унсурлардан ташқари, Буюк Ипак йўлининг тикланиши мамлакатларнинг сиёсий-маданий ҳаётига ҳам катта таъсир ўтказиши турган гап. Ахир қадимда шундай йўллар бўлмаганда хитойликлар ўз соғва-саломларини Турону Месопотамияга қандай юборарди. Буддани қачон танитарди.

Боку конференциясида ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳужжатларро комиссияни ташкил этиш, унинг доимий котибиятини таъсис қилиш ва бош қароргоҳини Бокуда жойлаштириш бўйича ўрталар ташланган тақдир иштирокчилар томонидан маъқулланди. ТРАСЕКА

лоийҳасини амалга оширишда уни маблағ билан таъминлаш масаласи ҳам иштирокчилар томонидан афтоқлиқа кўриб чиқилди ва ТРАСЕКА банкни ташкил этиш тақдирини бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Анжуман нихоясида Европа-Кавказ-Осиё йўлининг ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро юк ва йўловчи ташиниш ривожлантириши ва бошқариш, транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Шунингдек, анжуманда Боку Декларацияси ҳамда Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган халқаро конференция бўйича якуний Коммюнике қабул қилинди. Асосий битимга халқаро транспорт, темир йўл транспорти, савдо кеме-лари қатнови ва божхона ишлари бўйича қилинган техник илова-лар ҳам мўҳим аҳамиятга молик.

Боку конференцияси нималарни ваъда қилди, деган саволга айна шу имзоланган ҳужжатлардан келиб чиқиб жавоб бериш мумкин. ТРАСЕКА лойиҳасига аъзо давлатлар ҳудудларида ўзаро йўловчи ва товарларнинг барча турдаги транспорт воситаларида эркин айланиши, юкларнинг ҳавфсизлиги ва сақланиши, транспорт соҳасида божхона ишлари ҳамда ҳуқуқий мезорларни ўзаро уйғунлаштиришни кўзда тутувчи мазкур ҳужжатлар трансмилий йўлакни барпо этиш йўлидаги ҳаракатларга янги куч бермоғи лозим.

Боку конференцияси ТРАСЕКА дастури доирасида ўтказилган биринчи йирик халқаро анжумандир. Буни таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш тобора глобал аҳамият касб этмоқда. Неча асрлар мамлакатларнинг тараққиётига хизмат қилган Буюк Ипак йўли бугун яна қайтадан туғилмоқда. Бу йўл мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, маданият, иқтисодий раванг, бир сўз билан айтганда, тараққиёт йўлидир. ТРАСЕКА ривож учун зарур чора-тадбирлар, унинг истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар мазкур лойиҳани амалга ошириш йўлидаги ҳаракатларни янада жиқ-слаштириш ва ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилар-гаки табиий. Бунинг учун эса мамлакатимиз раҳбари Ислоом Каримов таъкидлаганидек, ягона мақсад сари интилиш, иштиёқ, айниқса, давлат раҳбарларининг хоҳиш-иродаси керак.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎЗА маҳсул муҳбири.
Тошкент-Боку-Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ШАРҲ

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, таъминлаш, тайёрланган санаси, ярқоқлик ва сақлаш муддати аниқ белгиланмаган, истеъмол учун яроқсиз бўлган, мувофиқлик ва сифат сертификатларига мўҳим бўлмаган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа савдо-сотик талабларига жавоб бермайдиган озиқ-овқат товарлари сотилишига йўл қўймайлик мақсадида республика газеталари ва маҳаллий матбуотда 8 сентябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана ва майда улгуржи савдо қилиш тартиби устидан назоратни кучайтириш мақсадида қўшимча талаблар жорий этилди.

Белгилаб қўйилдики, 1998 йил 10 сентябрдан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ун, қанд-шакар, ўсимлик ва мол ёғи, маргарин, қуруқ сут, болалар озиқ-овқати, чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати ва алкаголсиз ичимликлар сотилиши мумкин.

Айни вақтда тургун савдо корхоналари керакли ўсуналар билан жиҳозланган бўлиши, савдо залига эга бўлмаган тургун савдо корхоналарида эса, юқорида кўрсатилган маҳсулотлардан чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати ва алкаголсиз ичимликлар сотилиши мумкин.

Савдо залига эга бўлмаган тургун савдо корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли қарорининг 1-бандида кўрсатилган барча товар турлари сотилиши мумкин.

Савдо залига эга бўлмаган тургун савдо корхоналарида эса, юқорида кўрсатилган маҳсулотлардан чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати ва алкаголсиз ичимликлар сотилиши мумкин.

Айни вақтда тургун савдо корхоналари керакли ўсуналар билан жиҳозланган бўлиши, савдо залига эга бўлмаган тургун савдо корхоналарида эса, юқорида кўрсатилган маҳсулотлардан чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати ва алкаголсиз ичимликлар сотилиши мумкин.

лан тасдиқланган айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Шу билан бирга, 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмол моллари билан лотокларда савдо қилувчи хусусий ва юридик шахслар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, белгиланган тартибда савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар олиш орқали ўз фаолиятларини қонунлаштиришлари зарур.

Қарорнинг тургун савдо корхоналари орқали савдо қилишга оид талаблари қуйидагиларга қўлланилмайди:

- Маҳсул изотермик идишлар, совитувчи аппаратлар (маҳсул ҳолодильниклар, ҳолодильник-пештахталар, совитувчи миксерлар ва шу кабилар) орқали алкаголсиз ичимликлар билан чакана савдо қилиш;
- бозорлар ҳудудида жойлашган ихтисослашган гўшт-сут павильонларидаги лотоклар орқали пишлоқ ва қолбаса маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш;
- оби-нон ва ширинликлар: новот, ҳолава, парварда, пашмак, нишолдаларни лотоклар орқали санитария талабларига амал қилган ҳолда сотиш.



Беруний шохқўчасининг бугунги кўриниши. Рустам Шарипов олган сурат.

Абу Али ибн Сино номидagi тиббиёт нашриёти филология фанлари номзоди Азимжон Қосимовнинг русча-ўзбекча, ўзбекча-русча тиббий иборалар -- "Тиббий ходимлар лугати"ни кўп нусхада chop этди.

Лугат етти мингга яқин тиббий тушунчаларни ифодалаб келган иборалар мажмуасидан иборат бўлиб, унда шу кўнларда илмий ишлар, дарсликлар, ўқув қўланмалари, рисолалар ва мақолалар ҳамда амалий ишларда қўлланилиб келаятган содда, қўшма ва бирикма иборалар ўз ҳолича, ўзгартирилган ва тубдан янги шаклда ўз ифода-

сини тошган. "Инос соғлигини сақлашга, касалликдан тўзатишга, умрини узайтиришга доир мўҳим тиббий қонун-қоидаларни, амалларни ва тавсияларни аниқ мисолларда ҳаммага тушунарли, эсда қоладиган қилиб бадий лавҳаларда тасвирлаб бериш аҳоли учун фойдали деб биланган, бу эса ўз навбатида соғлом авлод учун ҳам хизмат қилади", деб ёзади тиббиёт фанлари номзоди, до-

Матбаа
ТИББИЙ
БИЛИМЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛАБ

цент Абдуҷалил Шодмонов ушбу нашриётда chop этилган "Тиббий ажойиботлар" китобида. Бу рисолада муаллиф ўзининг кўп йиллик шифокорлик тажрибасига таянган ҳолда беморлар ҳақидаги қизикарли воқеаларни илмий-оммабол ва бадий лавҳаларда хикоя қилади. Китоб маълум даражада соғлом турмуш тарзини ҳам тарғиб қилади. Рисоладан «Бемор ташхиси ва уни даволашга доир хикоятлар», «Ажойиботлар оламида», «Эгизаклар ва чакалоклар ҳақида», «Уйку ва уйқусизлик», «Узоқ умр ҳақида», «Тиббий хандалар»дан намуналар ўқиб, ҳордиқ чикарасиз ҳамда ўзингизга тегишли хулоса чиқариб оласиз деган умиддамиз.
Назира ЖўРАЕВА.

Раъноҳон бир йил бўлаётти-ки, Боқижон Эшбоевичга котибалик қилаётган бўлса, бошлиқ у билан бугунчилик ўзини яқин тутиб гаплашганини эслолмайди. Боқижон Эшбоевич эрталаб ишга келганда Раъноҳон билан оддийгина бош қимирлаб саломлашарди-да, хонасига кириб келарди. Зум ўтмай кўнгирак тугмасини босиб, Раъноҳонни чақирар ва унга чой дамлашни ёки бирор қўлёмзани бериб, зудлик билан машинакалани буюрарди. У бугун зўраки бир кайфиятда кириб келди. Шундай бўлса ҳам, нечундир йўлақда туриб котиба билан узоқдан узоқ саломлашди. Болаларини, нечта жонлигини, улар нечанчи синфларда ўқишайтганини сўради. Ҳатто эри қаерда ишлаши билан қизиқди. Шу кўни хонасига кириб кўнгирак тугмасини босмади, чой ҳам сўрамади.

Раҳбарининг кутилмаганда меҳрибон, хушмуомала бўлиб қолганидан Раъноҳон ҳайратда эди. Хонадаги телефон устма-уст жингиллаб қолди.

— Раъно, сен мисан?
— Ҳа, ҳа, менман.
— Хозир бўлиб ўтган йиғилишда бошлиқнинг ишдан олишиди, сизларга янги бошлиқ боради.
Раъноҳон дугонаси Зумраднинг бу кутилмаган «янгилиги»дан ҳайрон бўлиб қолди.
...Мурғаккина бола кўтарган бир аёл Боқижон Эшбоевич қабулига кута-кута тушга яқин кирди. Хона эшиги яхши ёпилмаганлиги учун ичкаридаги гаплар Раъноҳоннинг қўлига элас-элас эшитилиб турарди.
— Эсингизда бўлса керак, бу мазорга юзасидан олдин ҳам хузуригизга кирган эдим. Гаплашиб қўяман деган эдингиз. Гаплашдингизми -- йўқми билмадим-ку лекин ахвол ўша-ўша, -- мулойимлик билан деди аёл. — Эрталаб чиқиб кетиб, уйга кечасу, ҳам дон керак деганларидек ўйни, рўзгорни ўйламайдилар. Топганларини ўша беномус хисобчи аёлга сарфлаганлари сарфлаган. Қаранг, қўлимда ёш болам, кетимда яна уч-тўрттаси, ҳаммаси ейман-ичман дейди. Ахир қўлингиз остида ишлайдилар, сизнинг гапингизга қўлоқ

солмасалар, кимга қўлоқ солдилар...
— Дарвоқе, эрингиз билан гаплашдим. У хотиним менга тухмат қилаяпти дейди.
— Шамол бўлмаса дархатнинг учи қимирламайди. Бир гап борки эл-юрт гапирди. Қўлим билан ушлаб олмасам ҳам, кўнгилим сезиб турибди. Гоҳида туриб-туриб ҳайрон қолади киши.

Насо
ИНСОН
ҚАДРИ
(Хикоя)
Оч-яларанг қолган аянчи уруш йилларида эрини фронтга кузатиб бева қолган аёллар эрларига сира-сира хиёнат қилишмасди. Аксинча эрларининг фронтдан қайтишларини интизорлик билан куттишарди. Уларни жангга руҳлантирувчи мактублар ёзишарди. Энди бўлса-чи?!
— Сиз ҳамма нарсани ўз қарчингиз билан ўлчаёсиз. Жамиятимизда садоқатли, вафоли аёлларимиз сон-саноксиз.
— Тўғри, мен ҳамма эркаклар, ҳамма аёллар деяётганим йўқ. Ундайлар оз бўлса ҳам бор. Хафа бўлманг-ку агар сиз ёрдам бермасангиз судга бермоқчиман, ажрамоқчиман.
— Борсангиз боравермайсиэм. Сиз ҳам оппоқкина аёл кўринмайсиэм. Кўлингиздан кўра тўлингиз кўп ишлар экан. Бир соатдан бери тинимсиз гапирасиз, бошимни оғритиб юбордингиз. Сиз билан яшаётган эрингизга раҳмат-э!
— Тўғри гапингиз тўқмоғи борда. Эрининг бошлиғи, ота ўрнида ота деб дардимни сизга айтибман-а?
